# Qishloq HAYOTI

2003 YIL 11 MART, SESHANBA

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№31 (6.556). Sotuvda erkin narhda


## БУГУНГИ СОНДА


ЎҒИТНИ ҚАЕРДАН ОЛАЯПСИЗ? (1-2-саҳифаларда)



ЖОМБОЙЛИК МАОРИФЧИЛАР ТАЖРИБАСИ (1-4-саҳифаларда)

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙҒИ ЧИҚДИ (1-2-саҳифаларда)


## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Тошкентдаги «Яшаш муҳити» ахборот маркази томонидан IREX халқаро ташкилоти кўмагида Интернет тармоғида «Орол белгиси остида» номли янги сайт очилди.

● Дўстлик туманидаги «Юлдуз» фермер хўжалиги раҳбари Юлдуз Холматова Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Жиззах вилоят бўлимига бир миллион сўм маблағ ўтказди.

● Андижондаги «Андижон» теннис кортларида «Иқбол» газетаси соврини учун аёллар ўртасида теннис бўйича очиқ турнир бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Бадиий академиясига қарашли Навоий тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатида ҳиндистонлик болалар чизган расмлар кўргазмаси ташкил этилди.

● Ромитан тумани иш билан бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлими туман прокуратураси билан биргаликда ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида иш ўринлари ярмаркасини ўтказди.

● Бухорода бўлиб ўтган банклар кенгашининг мажлисида вилоятдаги молия-кредит муассасаларининг ўтган йилги фаолияти сарҳисоб қилинди.

● Тошкент шаҳар ИИББ Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармасига қарашли Вояга етмаганларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Жон Хёрбст ташриф буюрди

● Ўзбекистон Банклар уюшмасида "Осиё Вест" Ўзбекистон-Германия-Исроил қўшма корхонасини корпоратив облигацияларни чиқаришга бағишланган тақдимот ўтказилди. Тақдимот "Осиё Вест" қўшма корхонаси, "Carthill Asset Management Company" шўъба корхонаси ва "A&TM" компанияси томонидан уюштирилди.

● Улуғ юртдошимиз Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги муносабати билан халқаро "Олтин мерос" жамғармасининг Бухоро вилояти бўлими ҳамда Ғиждувон тумани ҳокимлиги ҳамкорликда аллома фаолиятига бағишланган энг яхши мақола ва илмий, бадиий асарлар танловини ўтказишга қарор қилди.



Зарбдорлик Ўктам Абдуллаев "Абдулла ота" фермер хўжалигини ташкил қилганига у қадар кўп бўлгани йўқ. Фермер бугунги кунда 33 гектар ерда деҳқончилик қилади. 15 гектар майдондаги ғалланинг ривожи яхши. Қолган майдонга у пахта экишни режалаштирмоқда. Келгусидаги нияти хўжалик ерини кенгайтириб, меҳнат унумдорлигини оширишдир.

СУРАТДА: (ўнгдан) фермер Ўктам Абдуллаев туман деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги раҳбари Раҳмонқул Тошбеков билан келгуси режалар ҳақида суҳбатлашмоқда.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

## ХОМАШЁ МАСАЛАСИ ҲАМИША ДОЛЗАРБ

***Барқарор фаолият кўрсатаётган Бекободдаги «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ўтган йилни муваффақиятли якунлади. Янги йилнинг дастлабки икки ойида ҳам юқори натижалар қайд этилди.***

Шу вақт оралиғида 73 минг 243 тонна пўлат эритилди, истеъмолчиларга 66 минг 264 тонна металл прокати етказиб берилди. Экспорт ҳажми ортди. Корхонани иккиламчи хомашё билан таъминлаш муаммоси ҳукумат доирасида ижобий ҳал этилаётгани ана шундай яхши натижалар бермоқда.

Қора ва рангли металлар парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ҳамда қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг Бекободда бўлиб ўтган йиғилишида ана шу рақамлар алоҳида қайд этилди. Унда вазирликлар, идоралар, уюшмалар, ҳудудий бошқарув органлари, иккиламчи металл хомашёси йиғиш ва топшириш билан шуғулланувчи бошқа ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси, мазкур комиссия раиси И.Жўрабеков бошқарди.

Ўзбекистон улкан қурилишлар мамлакатига айланди. Ишлаб чиқариш иншоотлари, тураржой ва маъмурий бинолар, хусусан, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари барпо этиш жадал бормоқда. Қурилиш материаллари - ғишт, цемент, металл прокати эндиликда ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Хусусан, металлургия корхонасининг бир маромда ишлаши қурилиш ҳажмини ўстириш, уни кенгайтириш имконини бермоқда.

Йиғилишда корхонани иккиламчи металл хомашёси билан таъминлаш бўйича ҳукумат топшириғи ортиғи билан адо этилгани қайд этилди. Мамлакатимизда корхонани хомашё билан таъминлаш имкониятлари барча ҳудудий бошқарув органлари томонидан фаол ишга солинди. Шу йилнинг биринчи мартига қадар металлурглар учун 105 минг тонна хомашё захира қилиб қўйилди.

Комиссия йиғилишида иккиламчи қора металл йиғиш ва қайта ишлашга топшириш борасидаги умумий аҳвол қониқарли деб топилди. Шу билан биргаликда бу борада зинҳор сусткашликка йўл қўймаслик, топшириқни ўз вақтида бажариш чора-тадбирларини кўриш тавсия этилди.

Йиғилишда Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақулов иштирок этди.

**Н.ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## МАҲСУЛОТ СИФАТИГА ЭЪТИБОР

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигида «Ривожланаётган мамлакатлар учун ISO /Сертификатлаштириш бўйича халқаро ташкилот/ дастури» мавзуида семинар бўлиб ўтди.***

Семинарда таъкидланганидек, Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилотининг асосий ҳужжатлари ва Европа меъёрлари талаблари асосида ташкил этилган мамлакатимизнинг миллий сертификатлаштириш тизими ҳамда стандартлаштириш давлат тизими истеъмолчилар ҳуқуқлари ва ички бозоримизни сифатсиз товарларнинг кириб келишидан ҳимоя қилишга доир масалаларни ҳал этиш билан бир қаторда маҳаллий маҳсулотларни Ўзбекистон ташқарисига чиқариш ва савдодаги техник тўсиқларни бартараф этишга қаратилган.

Доривор воситаларни экспертизадан ўтказиш ва стандартлаш давлат марказининг тиббиёт техникаси сифатини назорат қилиш лабораторияси, «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказининг марказий лабораторияси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институтининг тажриба маркази каби ва бошқа қатор лабораториялар маҳсулот сифатини барча халқаро талаблар даражасида баҳолаш имконини берадиган замонавий ускуналар билан жиҳозланган.

«Ўзстандарт» агентлиги ўз фаолиятида кадрлар тайёрлаш масаласига катта эътибор қаратмоқда. Агентликнинг қатор мутахассислари нафақат Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институтида, балки сертификатлаштириш, стандартлаштириш ва аккредитация бўйича халқаро курсларда ҳам ўз малакасини оширди.

Сертификатлаштириш соҳасидаги мутахассислар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан сифат бўйича эксперт-аудиторлар сифатида аттестациядан ўтказилди ва маҳсулотлар, хизматлар, сифат тизимларини сертификатлашга оид ўз фаолиятини муваффақиятли амалга ошириб, сертификатлаш органлари ҳамда тажриба лабораторияларини аккредитациялаш тадбирларида иштирок этаётир.

Шу билан бирга, «Ўзстандарт» агентлиги республика корхоналарида 9000 туркумдаги ISO халқаро стандартлар талаблари асосида сифатни бошқариш тизимини жорий қилишга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Айни пайтда республикамизда 10 дан ошиқ йирик корхона ушбу стандартлар талабларини қондира оладиган сифатни бошқариш тизими учун халқаро сертификатларга эга бўлди.

**(ЎзА)**

## АҲВОЛ ҚАЛАЙ, ҒАЛЛАКОР?

***Бугун қайси бир ғаллакордан аҳвол қандай, деб сўрасангиз, албатта, зўр дейди. Нега? Чунки ўтган йилги ғалла ҳосили деҳқонларимизга яхшигина даромад келтирди. Омборлар донга тўлди.***

Ҳосилининг чўғи кўплигидан уйига 5-10, ҳаттоки 20-30 тонналаб дон тўккан ғаллакорлар ҳам бўлди. Шунинг ҳисобидан кимдир тўй қилиб, юртга ош берди, кимдир анчадан бери битиролмай ётган уйини қуриб олди. Қайсидир фермер ўзига шахсий трактор сотиб олди. Энди у МТПга кўз тикиб ўтирмайди. Техникадан ўзи истаган пайтда, истаганча фойдаланади. Деҳқоннинг бой бўлгани шу эмасми?..

Ҳозир айни ғаллани баҳорий озиқлантириш мавсуми. Шундай экан, эртасини ўйлаган деҳқон ҳозирданоқ ишини пухта қилиб бажаради. Ғалласига вақтида ўғитини солади, сувини беради. Йил охирига келиб мулзам бўлиб қолмаслик учун ҳам ҳозирдан ғамини ейди.

-Бугун ҳар дақиқа ғанимат, - дейди косонсойлик фермер Муҳаммадихон Дадахонов. – Шу боис ғаллани озиқлантиришга жиддий эътибор қаратганман. Чунки ўтган йили дон экиб, икки ярим миллион даромад қилдимда...

**БУГУННИНГ ГАПИ**

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотга кўра, бу йил 1 миллион 390 минг гектар майдонга ғалла экилган бўлиб, шу кунларда уни биринчи озиқлантириш ишлари олиб борилмоқда.

Асосий майдонларга буғдойнинг "Крошка", "Половчанка", "Княжна", "Купава" каби навларидан экилди. Сабаби, мазкур навлардан ўтган йили ўртача 70-80 центнердан ҳосил олинган эди. Бундан ташқари маҳаллий навлардан "Чиллаки", "Ҳосилдор", "Андижон-2", "Ғайрат", "Бўзсув" навлари ҳам экилди.

-Бу йилги озиқлантириш ишлари бирмунча вақтлироқ амалга оширилмоқда, - дейди Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг бошқарма бошлиғи Файзулла Салоҳиддинов. – Яъни, ўтган йилнинг шу кунигача барча тоифадаги ғалла майдонларида биринчи озиқлантириш ишлари 87 фоизга етган бўлса, жорий йилда бу юмуш ҳадемай ниҳоясига етказилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 августдаги 290-сонли қарорига асосан 2003 йилги ғалла ҳосилидан 312 минг 700 тонна сифатли уруғлик тайёрланиши белгиланган. Ҳозир республикамиздаги 500 дан ортиқ уруғчилик хўжаликларида иш қизғин. Андижонликлар эса уруғчиликда ўзига хос мактаб ҳам яратишган...



2002 йилнинг 9 декабрида ҳукуматимизнинг "Экинларнинг пайҳон қилинишига қарши курашни кучайтириш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Қарорга кўра Ички ишлар вазирлиги томонидан тадбирлар ўтказилмоқда. Натижада 42,5 гектар экинзор турли тарзда пайҳон этилгани аниқланди. Хўжаликларга келтирилган зарар ҳам оз эмас - 3 миллион 187 минг сўмдан ошиқ. Масалан, Қуйи Чирчиқ тумани "Меҳнатобод" жамоа хўжалигида яшовчи У.Бозорбоевнинг 1 бош қорамоли, жарқўрғонлик А.Холиқовнинг 2 бош қорамоли, Навоий тумани газлаштириш идораси ишчиси Ғ.Қурбоновнинг 2 бош қорамоли буғдойзорларни пайҳон қилган.

Бунақанги мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Қонунбузарларга нисбатан жазо ҳам қўлланиляпти. Лекин мазкур ҳолат ҳали-ҳануз давом этмоқда. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

Хуллас, янги ҳосил учун кураш ҳар жиҳатдан мукаммал олиб борилмоғи керак. Ана шунда хирмонимиз юксак, юзимиз ёруғ бўлади.

**Шавкат ОРТИҚОВ**

## ҚОРАКЎЛИМИЗ ЖАҲОНГА ЧИҚСИН

***Қизилқум кенгликлари хазинага кон. Айниқса, бу ерда қоракўлчиликнинг равнақ топиб бораётгани фикримизнинг далилидир. Бугунги кунда Навоий вилоятининг Томди, Учқудуқ, Конимех, Нурота туманларида мамлакатимиздаги жами қоракўл қўйларнинг эллик фоизи боқилаётир. Март ойининг ўртасидан бошлаб, вилоят хўжаликларида қўзилатиш мавсуми қизғин бошланади.***

**БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ**

-Бу йил, - дейди "Навоийқоракўл" ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқаруви раиси Фазлиддин Аҳмедов. – 734 минг бош совлиқ қўзилайди. Шу йилнинг ўзида қўй бошини 83 минг бошга кўпайтириш ниятидамиз. Бунинг учун қўзилаган ҳар юз бош совлиқнинг 90 тасига қўзи қолдирмоқчимиз. Мақсад энг сифатли қоракўл териларни жаҳон бозорига чиқариб, ўзбек қоракўли шуҳратини ошириш ва бу билан тараққиётга ҳисса қўшишдир.

Яқинда Копенгагенда аукцион бўлиб ўтди. Унда Европа мамлакатлари, Россия, Ўзбекистон, Испания, Африка давлатлари, Афғонистон вакиллари иштирок этди. Улар қоракўл териларнинг жаҳон бозорида сотилиши, нархланиши ва тартибларини ўргандилар. Ўзбекистон вакиллари орасида Фазлиддин Аҳмедов ҳам бор эди.

-Аукционда яссигулли, қовурғагулли ва қаламчагулли қоракўл терилар нархи баланд бўлди, - деди Ф.Аҳмедов. - Ошлаш технологияси эса юқори савияда.

Мамлакатимизда қоракўл териларининг Қорақалпоқ, Сурхон, Бухоро турлари мавжуд, улар рангига кўра бир неча хилга бўлинади.

(Давоми 3-бетда)

**ҚАРОР ВА ИЖРО**

## ИЧКИ БОЗОР ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майда қабул қилинган "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида"ги қарори мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, олиб кирилаётган товарларни тартибга солиш ва ички бозорни ҳимоя қилиш борасида қўйилган муҳим қадамлардан биридир.***

Ушбу қарорнинг асосий мақсади республика ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш, юкларни божхонада расмийлаштириш тартибини соддалаштириш ва ўзимизнинг ишлаб чиқарувчиларни ёки бир сўз билан айтганда ички бозорни ҳимоя қилишдир.

(Давоми 2-бетда)

## ЎҒИРЛИКНИ ЖИЛОВЛАШ МУМКИНМИ?

***Деҳқон хўжаликларининг ишини кузатсангиз карам, помидор, бодринг, пиёз ва ҳатто буғдойзоригача азот ёки фосфор сочаётганига шоҳид бўласиз. Одамлар мевали боғлар, узумзорларга ҳам маъданли ўғит ишлатишмоқда.***

**МУАММО**

Хўш, улар минерал ўғитни қаердан олишаяпти? Табиийки, уларнинг азот, фосфор ишлаб чиқарадиган шахсий заводи йўқ. Минерал ўғит сотадиган дўконлар ҳамма қишлоқ, барча хўжалик марказида бор, деб ҳам бўлмайди. Статистик маълумотларга суянадиган бўлсак, Сурхондарё вилояти бўйича деҳқон хўжаликлари банд этиб турган майдон 55,7 минг гектарни ташкил этади. Шунинг 47 минг 167 гектари экин экиладиган жой бўлиб, бир қисми боғ ва мевали кўп йиллик дарахтзорлар билан қопланган. Демак, ана шу майдонларга ер эгалари нафақат маҳаллий, балки азот, фосфор, карбомид, калий сингари минерал ўғит ҳам сочишади. Ўйлаб кўрилса шунча ерга ишлатиш учун вагон-вагон ўғит ҳам етмайди. Шунча ўғитни келтириб берадиган, шу вазифани зиммасига олган ташкилот ҳам йўқ. Аммо қаердан топишса ҳам ўғит солишаяпти. Бошқача айтганда, деҳқон хўжаликлари заминида яшнаб турган олмаю анор, помидору бодринг, сабзию пиёз, караму хурмо, қовуну тарвуз ўғит билан бўлаяпти.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилги 63-сонли қарорига асосан "Қишлоқхўжаликкимё" бирлашмаси жойларда минерал ўғитлар билан савдо қиладиган дўконлар очиб, улар сонини кўпайтириши, деҳқон хўжаликлари талабини ўрганган ҳолда етарлича минерал ўғитлар ҳамда дарахтзорлар, мевали боғларни дорилаш учун кимёвий препаратлар, турфа дориворлар сотувини ташкил қилиши лозим.

(Давоми 2 -бетда)

**ИСТЕЪДОДЛАР БОРМИСИЗ, ОМОНМИСИЗ?**

## МАЪРИФАТНИНГ ЧАРОҒОН МАШЪАЛИ

***Жомбой туманидаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиларидан бир йўла тўрт нафари Осиё тараққиёт банкининг таълим самарадорлигини ошириш бўйича лойиҳаси семинар-тренингининг ғолиби бўлди.***

Устозларга халқаро сертификат берилиб, дунёнинг исталган ерида дарс ўтиш ҳуқуқини қўлга киритишлари билим юрти ҳаётида улкан воқеадир. Гап шундаки, республикамизда ҳам бундай шарафли имтиёзга эга бўлган тажрибали мураббийлар ҳали саноқли. Шундай бўлгач, улардан таълим олаётган илмга чанқоқ ёшлар келажагига бемалол катта умид боғлаш мумкин.

(Давоми 4-бетда)

## САНОБАР ХОЛАМ

***Бири кам дунё деб қўйибдиларки, ҳаётда қазо бор. Ёшгина жувон оламдан ўтиб, рўзғорбоши бўлган йигитнинг шўрига шўрва тўкилиб қолди. Оилада бир эмас, уч етим, каттаси тўққиз ёшда, кенжаси олти ойлик, тағин ҳаммаси ўғил денг. Болаларга қараш, нон-овқат пишириш, кийим-кечагини ювишни хотин кишигина уддалайди, холос, эркак одамга йўл бўлсин. Бир ёқда супур-сидир, экин-тикин, мол-ҳол...***

Алқисса, бир бефарзанд жувоннинг ота-онаси билан битишилди, "бир мулла, икки калла қанд" қабилидаги олиқ-солиқлар қилиниб, фалон куни келинни олиб келинадиган бўлди.

**МАЪНАВИЯТ**

-Вой-дод, қандоқ чидайман? – айюҳаннос солди марҳума жувоннинг онаси. – Беандиша куёвим ўлгур Дажжол экан, ўшандоқ қизимнинг тупроғи совумай, уйланишига бало борми? Қизгинамнинг пешона тери томган рўзғорга ўт тортаман. Йигит ўлгурнинг юзларини юламан, қизимнинг ёстиғига бош қўядиган мегажин ўша уйга киргудай бўлса, ундоқ қиламан, бундоқ қиламан...

Куйганидан айтгандир-да, дерсиз. Қаёқда, куёви бечоранинг бошига итнинг кунини солди. Ахийри маҳалла оқсоқоллари "Уят, номус" деб кузатишди. Хўп, куйган бўлса куйгандир ҳам, бировга осон тутиб бўлмайди. Аммо биров оламдан ўтса, ҳамма тобутнинг ортидан кетганича қабристонда бўзлаб ётавериши керакми? Унда тирикларнинг ҳоли не кечади? Ахир янги она тарбиялайдиган норасидалар собиқ қайнонанинг набиралари, қизидан ёдгор эди...

Ёдимга раҳматли Санобар холам келадилар. Хўш, Санобар холамнинг юраклари ёнмаганмиди? Билардик, башарти у кишининг "Оҳ" деган нафасларига гугурт тутилса борми, кўтарилган аланга булутни куйдирган бўлур эди.

(Давоми 4-бетда)

## КЕЛГУСИ СОНДА:


"ОТА" ҲАНГОМАЛАРИ

ТАБИАТ ИНТИҚОМ ОЛСА...

БУРУН НЕГА ҚОНАЙДИ?

(Боши ўтган сонларда)

# ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

ҚИССА

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

## ЭНГ ОҒИР ГУНОҲ

Куз кирганини қишлоқ боласининг қўлидан билса бўлади. Ёнғоқ ҳали «пакқа» бўлиб ажралмасдан туриб, дарахтга тармашиб кетамиз. Хом ёнғоқнинг пўстини тозалаш осон эмас. Ғадир-ғудир ғишт топиб, ишқалайверасиз, ишқалайверасиз. Охири сап-сариқ ёнғоқ ажралиб чиқади. Аммо қўлингиз ҳам хина қўйгандек сарғайиб кетади. Лой билан минг марта ишқалаб ювсангиз ҳам фойдаси йўқ. Пишмаган ёнғоқнинг битта яхши томони бор: оғир бўлади. Учи билан дум томонини яхшилаб ишқалаб ёғласангиз, золдирдек сип-силлиқ соққага айланади. Ана ундан кейин «соққа қувар» ўйнайверасиз. Соққа қанча кичкина бўлса, шунча яхши. Манаман деган ёнғоққа карс этиб урилади-ю, ўзига унча-мунча ёнғоқ тегмайди. Тупроқ орасига яшириниб ётаверади. Ўйин-ку ўз йўлига. Ёнғоқнинг яна битта фазилати бор: қоринни тўқ тутади. Тўрттасини еб олсангиз, ярим кун кекириб юрасиз.

...Энди ўйлаб қарасам, ўша — уруш энди тугаб, оғирчиликнинг заҳри кетмаган йилларда яхшиям мева-чева бўлган экан. Одамларнинг жонига шу оро кирган экан-да. Эрта кўкламда сумалак, кетидан исмалоқ, кейин қарабсизки, тут пишади. Эрмон буванинг тути! Майиз дейсизми, шинни дейсизми, ҳаммаси тутдан бўлади. Бундан кейин олма, узум, кузда ёнғоқ. Ҳам овқат, ҳам ўйин.

Бир куни Хўжа, Той, Вали тўртовлашиб роса соққа қувар ўйнадик. Жимитдеккина соққам билан бир дўппи ёнғоқни ютиб олдим. Ўйинга жўрабошимиз ҳам аралашган эди, уям бир чўнтак ёнғоғидан айрилди.

Кечқурун оғзим қулоғимга етгудек бўлиб бир дўппи ёнғоқ кўтариб келдим. Қарасам, ошхона томондан гуп-гуп этган товуш келяпти — ойим ўғирда толқон қиляпти.

Нима учундир онам тез-тез толқон қиларди. Сабабини кейин тушунганман. Нон кўплиги учун эмас, камлиги учун толқон қилишаркан. Толқон тўйимли бўлади. Икки қошиқ еб, устидан олма чой ичсангиз, дарров нафсингиз қонади.

Ёнғоқ кўтариб ошхонага кирдиму дўппини узатдим.

— Қаёқдан олдинг? — деди ойим кўзимга тикилиб.

— Ютдим. Манг, толқонга солинг.

Биламан, ёнғоқли толқоннинг таъми бошқача бўлади. Ёғ мазаси келиб туради.

Онам дўппи тўла ёнғоқни қўлимдан олиб, елкамга қоқди:

— Бор, сабр қилиб тургин, ҳозир ёнғоқ толқон қилиб бераман.

Супадаги хонтахта олдига бориб ўтирдим. Дастурхонда тўнкариб қўйилган иккита пиёла билан чойнакдан бўлак нарса йўқ эди. Зум ўтмай ойим бояги товоқда толқон кўтариб келди. Бир қошиқ толқон ейишим билан тўсатдан соққам эсимга тушиб қолди. У чўнтагимни қарайман — йўқ, бу чўнтагимни қарайман — йўқ.

— Нима бўлди? — деди ойим типирчилаётганимни кўриб.

— Соққам қани?

— Қанақа соққа?

— Ютадиган соққам!

Бирдан кўнглимга ғулғу тушди. Ойим соққамниям қўшиб чақиб қўйган бўлса-я!

Оғзимда толқон билан ошхонага югурдим. Бир чеккада яримта ғишт, ёнида теша ётибди. Пўчоқлар орасини титкилаб, ютадиган соққамнинг ялтироқ пўчоғини топдим. Аламимдан чинқириб юбордим:

— Соққамни нима қилиб қўйдингиз? Супа томондан онамнинг овози келди:

— Нима бўпти?

— Нима қилдингиз? — дедим алам билан. — Соққамни нима қилиб қўйдингиз?! Ойим секин тепамга келди.

— Мана, — дедим пўчоқни кўрсатиб. — Соққамни чақиб қўйибсиз-ку!

Ойим негадир кулди:

— Қаёқдан биламан. Қўй, болам, аканг бошқасини топиб берар.

Ойимнинг кулиши баттар алам қилди.

— Керакмас, керакмас! — дедим оёғимни типирлатиб. — Ютадиган соққам эди. Ойим бошимни силади.

— Билмабман-да, ўғлим. Ўзинг дўпписи билан бердинг. Юр, чойингни ич! — У қўлимдан тутиб яна супага олиб чиқди. Олдимга толқонли товоқни суриб қўйди. — Ўтир, овқатланиб ол. Қорнинг очиб кетди-ку!

Товоқни нари сурдим.

— Емайман!

Ойим товоқни яна мен томонга сурди.

— Ол, болам, ширин бўпти.

— Керакмас! Керакмас! Керакмас! — Товоқни қўлим билан бир урган эдим, учиб аввал супага, ундан ерга тушди. Толқон ер билан битта бўлиб сочилди-да, тупроққа қоришиб кетди.

Бирдан ойимнинг кўзида ғазаб чақнади. Шапалоғини ёзиб қулоқ-чаккамга яқин келтирди. Қўрқувдан кўзимни юмиб олдим. Йўқ, урмади. Бироқ лаби титраб пичирлади:

— Нон-ку, бу, аҳмоқ! Гуноҳ бўлади-ку!

У секин ерга тушди. Сочилган толқонни кафти билан сидирган эди, тупроқ аралашиб чиқди. Онам бошини кўтариб менга қаради. Кўзларида алам, таъна бор эди.

Бирпасдан кейин опам, акаларим дастурхон атрофида йиғилишди. Ҳар биттасига ярим қошиқдан толқон ё тегди, ё тегмади. Кейин дадам келди, ойим ошхонадан буғи чиқиб турган бир лаган лавлаги кўтариб чиқди. Лавлаги ширин нарса-ю, ҳар куни егандан кейин жонга тегади. Бари бир нон эмас.

— Толқон қилмадингми? — деди дадам бир бўлак лавлагини пуфлаб-пуфлаб ер экан. Қўрқув ичида ойимга қарадим.

— Қилувдим, — деди у секин.

— Қолмадими?

— Ўғир ўлгур ағдарилиб кетди, — деди онам айбдор оҳангда.

— Нима? — дадам лавлаги бўлагини қўлида тутган-ча жахл билан онамга қаради.

— Тўкилиб кетди, — деди ойим бошини қуйи солиб.

— Падарингга лаънат! — деди дадам секин, аммо таҳдидли оҳангда. — Каппа-катта хотин увол қилиб ўтирсанг. Билиб қўй, нон кўр қилади сени! — У шаҳд билан ўрнидан турди-да, бир ҳатлаб супадан тушди. Тез-тез юриб кўчага чиқиб кетди.

Мен ойимга қарадим. У бўлса ҳамон бош кўтармай ўтирар, кўзларида изтироб бор эди.

## БОЛА ЙИҒИСИ

Онамнинг жаҳли чиққанини камдан-кам кўрардим. Аммо бу гал жуда қаттиқ аччиқланди. Опамникига кетаётган эдик. Тор кўчага бурилишимиз билан йиғи овози эшитилди. Кўча четида уч ёшлардаги бола ерга думалаб тажанглик билан чинқирар, оппоқ кўйлаги, иштончаси қора тупроққа беланган эди.

— Машинани тўхтат, ўғлим, — деди онам хира тортган кўзларини ўша томонга тикиб.

— Нима эди?

— Тўхтата қол, болам, — дея онам маъюс жилмайди.

Иккиланиброқ тўхтатдим.

Онам инқиллаб-синқиллаб эшикни очиб тушди. Увишган оёқларини уқалаганча оқсоқлана-оқсоқлана орқага, бола йиғлаётган томонга қараб кетди. Мен ҳам беихтиёр эргашдим. Бола ҳамон ерга думалар, ҳар думалаганда қулоқни тешиб юборгудек чинқирар эди. Унинг тепасида ўзи ҳам ўпкасини аранг босиб турган ёшгина жувонга энди эътибор бердим.

— Жинни бўлиб қолган бу, — деди жувон йиғламоқдан бери бўлиб. — Морожний обер, деди. Олиб берсам бунақа қиляпти.

Бола ҳамон чинқириб йиғлар, хархаша қилар эди:

— Иссиқ манож! Иссиқ манож оберинг!

— Унақасини қаёқдан топаман! — Жувоннинг тоқати тоқ бўлди шекилли, думалаётган ўғлини ердан юлқиб кўтарди. Орқасига бир-икки шапатилади.

— Ҳой, қизим, бола-я бу, бола-я! — онам чумчуқдек чирқиллаб жувонга ёпишди. — Кел, жоним, — деди болани бағрига босиб. — Кела қол, ўзим сенга иссиқ морожний олиб бераман.

Бола йиғидан тўхтамади. Аммо аввалгидек типирчиламасди. Унинг шунчалик жаҳлини чиқарган «совуқ манож» оқиб кўйлакчасининг олдини шалаббо қилган, бошдан оёғигача лой эди.

— Нимага қараб турибсан? — деди онам менга тўсатдан. — Ё сен ҳам боламисан? Бор, олиб кел машинангни. Ҳозир у-утага борамиз. Ди-дитга тушамиз-а?

Ростини айтсам, болани шу аҳволда машинага ўтқазгим келмади. Чет элдан келтирилган янги паролон ғилоф олган эдим. Ҳаммасини расво қилиб юборади энди. Ноилож машинани тислантириб олиб келдим, қовоғимдан қор ёғаётганини ўзим ҳам сезиб турардим.

(Давоми келгуси сонларда)

# САНОБАР ХОЛАМ

(Боши 1-бетда)

Уч қиз, уч куёв, тўрт сингил ва бир набирани сўнгги йўлга кузатдилар. Куйиб-ёниб турган кунлари ишонган боғларига ўт кетди, суянган тоғлари гурсиллаб қулади: олтмиш беш йиллик ёстиқдошлари Камол шайтон ҳам оламдан ўтди.

Етмиш ёшида сигирни ўзи соғиб, таппини ўзи ёпган, салкам бир пода қўйга ўзи қараб, юнгини ўзи қирққан Санобар холам ерпарчин бўлиб ётиб қолдилар. Етмиш бешга кирганда ўз оёғи билан бориб ошқозонини операция қилдириб келган, саксондан сакраганида ҳам етти қўшнининг токини ишкомдан тушириб кесиб юрган кампиршо энди тамом бўлди, деб ўйлаганди ҳамма. Айтингчи, осонми?

Санобар холамга, у кишининг жисми ва қалбига имон куч берди. Ким жаннати, ким дўзахи – Худогагина аён. Лекин эл айтардики, "Санобар хола бу дунёдаёқ топиб кетганлар". Менга қолса, бу гапни одамлар дилига Аллоҳнинг ўзи солган деворгим келади.

Раҳматли белни маҳкам боғлаб, аввал катта куёвлари Аҳмаджон акани, кейин Адашбой акани (икковлари ҳам раҳматли бўлиб кетишди) уйлантирдилар. Уларга мос бевани ҳам ўзлари дараклаб, бордикелдисини ҳам ўзлари қилдилар. Ана иннанкейин қизларини, сингилларини йўқламасаларда, ҳайит арафада ҳалиги "келин"ларига насиба илинардилар. Уларга:

-Қизим, қаттиқ тураверинг, энди буларнинг сиздан бўлак онаси йўқ. Буларни мени қизиммас, сиз туққансиз, - деб тайинласалар, набираларига пўписа қилардилар:

-Ҳай, сенлар онангни ҳурмат қил. Агар бир гап эшитсам...

Санобар холамдақа аёллар эртакда бўлар, аммо ҳаётда... Бой эмасдилар, бироқ қўйни ҳам, қийни ҳам кўргандиларки, полвон оғиз билан икки кишилик бўлмаса-да, бир ярим кишилик гапни оғизни тўлдириб-тўлдириб айтардилар. "Келинлари" ҳақидаги мақтовнинг андозаси ҳам худди шундай эди.

-Аҳмаджон билан Адашвойдан кўнглим тўқ, невараларимдан суягим тиниб қолди. Заб жувонлар чиқишди-да, қизларим ўлмагандай кириб бораман – икковиям соямга кўрпача солади.

Санобар холамнинг машрабона гап-сўзларини тинглаётган хотин-халажнинг кўзига ёш келарди.

-Холагинам бечора шунақа деб ўзларини овутадилар-да, тағин ҳам яшаб юрибдилар, а, - дейишарди улар бош чайқаб.

Умр – ризқнинг баракаси ҳам худодан, ҳам дуодан. Санобар холамнинг ризқлари бутун эди, умрлари узун бўлди. Аниқки, у кишидан меҳру оқибат ва яхшилик кўрганлар, номайи аъмолларини билиб турганлар борки, барча-барча ҳақларига дуода бўлишган. Балки шунинг учун ҳам узоқ яшадилар. Тўқсондан ошиб юзга бордилар. Атрофларида айланишган ажал карвони ахири ўзларини ҳам жаннат боғларига олиб кетди.

Ўша кулфат кунида ёлғиз ўғил Содиқжоннинг ёнида ундан-да ўртаниб фарёд қилганлар кимлар эди? Албатта, Санобар холам ўғилдай эъзозда тутган солиҳ куёвлар эдилар. Илоҳим ҳамманинг рўзғорига ана шундай аёл буюрсин, ҳар бир қайнона Санобар холамдай қадр топсин. Қанийди барча аёлларга оддийгина, саводсизгина, меҳнаткашгина Санобар холамдай назаркарда бўлмоқ бахти насиб этса!

**Рустамжон УММАТОВ**



Гул гўзалми, қиз гўзал?

Б.АКРАМОВ олган сурат.

# ОФТОБИ ГУЛҚАНД

ТАБОБАТ

***Кейинги пайтларда экологик ўзгаришлар туфайли аёлларда, болаларда камқонлик хасталиги кўпайиб кетди.***

Уни бартараф этувчи дори-дармонлар кўп. Бу дарднинг тарихи эса олис ўтмишга бориб тақалади.

Халқ табобатида камқонликни даволовчи воситалардан бири гул япроғи ва шакардан тайёрланадиган офтоби гулқанддир. Уни тайёрлаш учун жайдари атиргулнинг гул япроғи тўкилиб кетмасдан териб олинади ва ҳовончада туйилиб, суви алоҳида, турупи алоҳида идишларга йиғилади. Бир ҳисса гул япроғига уч ҳисса шакар ажратилиб гул суви қўшилиб аралаштирилади ва шиша банкага солиниб, масаллиқ идиш офтоб тўлиқ тушадиган жойга (томга) қўйилади. Агар идиш тўлмаган бўлса, яна гул япроғи туйилиб, унга қўшилиб борилади.

Охирги қўшилган кундан бошлаб қирқ кун ўтгач, офтоби гулқанд тайёр бўлади. Гулнинг ҳар бир япроғига офтоб етиб бориши учун ҳар куни қошиқ билан аралаштирилиб борилади.

Офтоби гул-қанд қон босими юқори бўлганларга тўғри келмайди. Ибн Сино асарларида бу дорини мунтазам равишда бериш натижасида сил хасталигига чалинган беморларни ҳам тузатиб юборганлиги ҳақида маълумотлар бор.

**М.АҲМЕДОВА тайёрлади.**

# СПОРТ ОЛАМИДА

## ИШҚИБОЗЛАР ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

***"Пахтакор" марказий ўйингоҳида бошланган Осиё чемпионлар лигаси "Д" гуруҳи чорак финал баҳсларининг дастлабки учрашуви миллионлаб ўзбек футболи ишқибозларининг қалбини қувончга тўлдирди.***

Боиси, Туркманистоннинг "Ниса" клубига қарши майдонга тушган Виктор Жалилов шогирдлари маҳорат бобида рақиблардан устун эканликларини намойиш этдилар. Очиғи, тезкорлик, чаққонлик ва тўпни бир-бирига аниқ узатиш борасида тошкентликлар чиройли ҳаракат қилишиб, меҳмонлар ҳимоячиларини саросимага солиб қўйишди. Шу куни "Пахтакор"чилар қуйидаги таркибда ҳаракат қилишди: Игнатий Нестеров, Бахтиёр Ашурматов, Гочкули Гочкулиев, Леонид Кошелев (Владислав Кирян), Сервер Жеперов, Анвар Солиев, Бахтиёр Ҳамидуллаев (Миржалол Қосимов), Темур Копадзе, Асрор Алиқулов, Александр Крохмал (Марат Бикмаев), Алексей Николаев.

Дарвоқе, алоҳида таъкидлаш лозимки, иқтидорли ҳимоячи Бахтиёр Ашурматовнинг тошкентликлар сафига қайтиши севимли жамоамизнинг ҳимоя чизиғини мустаҳкамлади. Учрашув асосан меҳмонлар дарвозаси олдида кечди, десак муболаға бўлмас. Аммо, рақиблар дарвозасига биринчи голни Бахтиёр Ҳамидуллаев 43-дақиқадагина йўллай олди. Иккинчи бўлим ҳам кутилганидек майдон эгаларининг тўлиқ устунликларида ўтди. 57- ва 67-дақиқаларда Анвар Солиев ҳамда Леонид Кошелевларнинг дарвозани аниқ нишонга ола билганлари учрашувнинг йирик - 3:0 ҳисобида якунланишини таъминлади.

Мутахассислар фикрича, гуруҳнинг кучли жамоалари ҳисобланаётган Эроннинг "Пирузи" ва Ироқнинг "Ал-Талаба" клубларига "Пахтакор"чилар муносиб қаршилик кўрсатиб, ўзбек футболининг нималарга қодир эканликларини амалда исботлашларига ишонамиз.

Ушбу гуруҳнинг "Ал-Талаба"-"Пирузи" ўртасидаги иккинчи учрашуви эронликларнинг 1:0 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди. Шундай қилиб, гуруҳ беллашувларининг 1-туридан сўнг "Пахтакор" ва "Пирузи" жамоалари учтадан очко жамғариб, биринчи, иккинчи ўринларни эгаллаб туришибди.

Бугун эса "Д" гуруҳининг 2-тур учрашувлари бўлиб ўтади. Унда "Ал-Талаба"-"Ниса", "Пахтакор"-"Пирузи" ўзаро куч синашадилар.

## КЛИЧКОНИНГ МАҒЛУБИЯТИ

***Ганновер шаҳрида оғир вазнли профессионал боксчилар украиналик Владимир Кличко ва Жанубий африкалик Корри Сандерс ўртасидаги учрашув қора танли боксчи фойдасига ҳал бўлди.***



Бўйи 2 метр, оғирлиги 110 килограмм бўлган 26 ёшли Кличко WBO йўналиши бўйича жаҳон чемпионлигини олтинчи бор ўзида сақлаб қолиши керак эди. Бироқ, бўйи ундан 7 сантиметр паст, оғирлиги эса 8 килограмм кам бўлган 38 ёшли Корри рақибини 2-раунднинг 27-сониясида нокаутга учратди. 1-раундда бир неча бор кучли зарбаларни ўтказиб юборган Владимир 2-раунд охирига қадар рингда туриб беришга ўзида имкон топа олмади. Шу тариқа Кличко профессионал рингдаги иккинчи мағлубиятини тан олди.

## "ЛИДС" ЯРИМ ФИНАЛГА ЧИҚА ОЛМАДИ

***Англия кубогининг чорак финал баҳсларида учта учрашув бўлиб ўтди. "Лидс" ва "Шеффилд юнайтед" ўртасида кечган ўйин 0:1 ҳисобида якунланди. Учрашув ниҳоясига 15 дақиқа қолганида Стив Кабба "Лидс" дарвозасини ишғол этди.***



"Саутгемптон" – "Вулферхемптон уондерерс" учрашувида эса биринчи гол 2-бўлимнинг бошида киритилган бўлса, 80-дақиқада Пол Батлер ўз дарвозасига тасодифан тўп киритишига сабабчи бўлди. Ўйин 2:0 натижа билан ниҳоясига етди.

"Уотфорд" – "Бернли" баҳсининг 74, 80-дақиқаларида киритилган голлар билан биринчи дивизионда ҳаракат қилувчи Лондоннинг "Уотфорд" клуби 2:0 ҳисобида учрашувни ўз фойдасига ҳал қилди.

## САМАРҚАНДДА ХОТИРА ТУРНИРИ

***Миллий қадриятимиз ҳисобланмиш ўзбек кураши истиқлол туфайли ривожланди.***

Муҳими, кураш жаҳон спортига айланди, Осиё ўйинлари таркибига кирди. Яқинда Самарқанд шаҳрида ўзбек кураши бўйича ўтказилган халқаро турнир вилоятнинг машҳур полвони Алибек Примов хотирасига бағишланди. Ушбу турнирни томоша қилишга келганлар Жаҳон ва Осиё чемпионлари, Президент совринни учун ўтказилган халқаро турнирларнинг ғолиблари Исоқ Аҳмедов, Абдулла Тангриев, Давлат Чориев, Рамиддин Саидов, Эрали Маҳмарасуловларнинг ҳаракатларидан завқланишди. Ушбу турнирда таниқли полвонлар қаторида гиламга тушган ёшлар ҳам муваффақиятли иштирок этишди. Чунки дастлабки босқичлардан таниқли бўлган Нодир Музаффаров, Эрали Маҳмарасулов, Ўткир Салимовлар имкониятни бой бериб ярим финалга етиб келолмадилар.

Хуллас, турнир якунида ўз вазнлари тоифасида ғолиблик Шамсиддин Саидов, Акмал Усанов, Исоқ Аҳмедов, Давлат Чориев ва Абдулла Тангриевларга насиб этди.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

# МАЪРИФАТНИНГ ЧАРОҒОН МАШЪАЛИ

(Боши 1-бетда)

Ҳозир бу ерда 400 нафардан зиёд қишлоқ йигит-қизлари ЭҲМ оператори, телерадио ускуналари устаси каби замонавий касбларни жаҳон андозалари даражасида ўрганишларига кенг имконият яратилмоқда.

Умуман, туманда истиқлол шарофати билан берилган имконият - янгиланиш жараёни ижтимоий соҳада, айниқса, халқ таълими тизимида ўзининг муносиб ифодасини топаётир. "Таълим тўғрисидаги Қонун" ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" талабларини бажариш асносида ҳар йили 7-8 та янги ва замонавий асосда таъмирланган ва зарур анжомлар билан жиҳозланган ўқув масканларининг фойдаланишга топширилаётгани фикримизга яққол далил бўла олади. Президентимиз назарига тушган Хулкар Раҳмонқулованинг АҚШда таҳсил олиши учун ҳам ана шу қишлоқ мактаби муайян пойдевор бўлганлигини фахр билан таъкидлаш лозим. Бугун Хулкарнинг издошлари кўпайиб, ўнлаб жомбойлик йигит-қизлар хорижнинг нуфузли олийгоҳларида илм-фан сирларини пухта ўрганишаётир.

Ана шу умидли, илмга ташна, интилувчан ёшларнинг асл қаноти Жомбойнинг бағри кенг, болажон халқидир. Шу халқ туман ҳокимлиги раҳнамолигида фидойилик билан майдонга чиқиб, ҳашар уюштириб, ҳар йили фарзандларига янги-янги ўқув даргоҳлари, жиллақурса қўшимча синфлар қуриб, тортиқ этади. Кўз кўрса қувнайдиган ўқув хоналарига эса бу ердаги "ҳотамтой" ишлаб чиқариш корхоналари ўз даромадларидан чегириб, компьютерлар ва бошқа замонавий ўқув жиҳозлари олиб беришади.

-Яратилаётган шароитлар ўқув машғулотларини жаҳон андозаларига мослаштириш, дарсдан ташқари таълим жараёнларини такомиллаштириш имконини бераётир, - дейди туман ҳокимининг ўринбосари Облоқул Холжигитов. – Болалар ва ўсмирлар ижодий уйи, ўқувчи ёшлар техник ижодиёти маркази, ихтисослаштирилган спорт, футбол мактаблари фаолияти, дарсдан ташқари тўгараклар ишининг компьютерлар асосида ташкил этилиши бунинг далилидир.

Таълим даргоҳларининг ўзини ўзи маблағ билан таъминлаши учун ҳам бу ерда етарли имкониятлар яратилган. Бу борада тумандаги 12 та мактаб ҳуқуқий мақомга эга бўлиб, биргина ўтган йилнинг ўзида улар бюджетдан ташқари қарийб 30 миллион сўм маблағ топишди. Ҳолбуки, бу борадаги режа 12 миллион сўм бўлади, дея тахмин қилинган эди.

Таълим-тарбия жараёнини жаҳон андозаларига мослаштириш учун ривожланган давлатларнинг соҳа мутахассислари билан ҳамкорлик ҳам туманда яхши йўлга қўйилган. Масалан, 21-ўрта мактаб иқтидорли ёшлари Германиянинг Бремен университети талабалари билан доимий алоқа ўрнатишган. Мазкур мактабни битириб, Германия университетларида ўқиётган уч нафар йигит-қиз ушбу хайрли ишни йўлга қўйишди.

Ўқувчи ёшларнинг ҳам илмли, ҳам тадбиркор бўлиши бугунги кун талаби эканлигини қалбан ҳис қилган жомбойлик маорифчилар уларнинг дарсдан бўш пайтларини, меҳнат дарсларини тажриба участкалари ва боғларида ташкил этишади. Бу машғулотларда улар мевали дарахтларга шакл бериш, экинларга ишлов беришни ўрганадилар. Шу аснода қилган меҳнатларининг самарасини ҳам кўрадилар. Масалан, тумандаги 16-ўрта мактабнинг 0,5 гектар тажриба участкаси бўлиб, унда мевали дарахтлар экилган.

Мактабда етти хазинанинг бири – паррандачилик ҳам йўлга қўйилган. Жорий йилда соҳадан 500 минг сўм, қуёнчиликдан эса 250 минг сўм даромад қилиш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари туман ҳокимлиги қарори билан илм даргоҳига бир гектар ер ажратилган. Шу жойга экилган буғдойдан бултур 400 минг сўм соф даромад кўрилди. Экин майдонлари атрофига ўтказилган 3 минг дона терак ҳам бўй чўзиб қолди. Бу ўртача ҳисобда 7,5 миллион сўм даромад деганидир.

Хуллас, Жомбойда маънавиятни қарор топтириш, халқ таълими соҳасини ривожлантириш борасида қилинаётган ишлар қувончлидир. Улар тажрибасини кенг ёйиш, ўрганиш айни муддаодир.

**Ҳамза ШУКУРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ЙЎҒИДА – САБР, БОРИДА – ШУКР

ТУРМУШ

***...Содиқжон даладан шом пайти қайтди-ю, кўрпа-тўшак қилиб ётиб олди. Эртаси тўнғичи Собиржон билан танҳо қолганида энтикиб-энтикиб икки оғиз гап айтди:***

-Болам, саккизта уканг сенга омонат, сен Аллоҳга, илоҳим сабр-бардошли бўлгин.

Фарзанд отасига тасалли бериб улгуролмади. Ҳали эллик ёшга етмаган Содиқжон омонатини топширган эди.

Йиллар югурик, қийналиб бўлса-да, ука-сингилларига яхши тарбия бериб ўстирди. Уйли-жойли қилди. Аммо ўзи... тирноққа зор бўлиб қолаверди. Кунларнинг бирида укаси Сайфининг ўғли Соливой ҳовлига кириб келди. Узоқ ўтирди. Гапни ҳам узоқдан бошлади. Ниҳоят, мақсадга кўчди.

-Энди амаки, шу кўрғонни бизга берсангиз, кўпчилик катакдай ҳовлида қийналиб кетдик.

Янга "вой, шўрим", деб Собиржонга қаради, у бу гапни хотиржам эшитди. Сўнг:

-Бу гап дадангдан чиқдими? – деб сўради.

-Қизиқсиз-да, амаки, - деди Соливой тиззасига шапатилаб, - дадам оғзидаги ошни бировга олдириб юради-ю...

Собиржон ҳайтовур бу фикр жигаридан чиқмаганига суюнди. Аслида, эр-хотин сўппайиб ҳайҳотдай хонадонни эгаллаб ўтирганидан ўзи ҳам хижолат эди. Улар Қримга кўчиб кетган Исмет аканинг қишлоқ четидаги нураб тушган чорбоғига кўчиб ўтишди. Рисолат янга кўз ёши қилган эди, юпатди.

-Сабр қил, хотин, Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади.

Янганинг ичи тўла дард эди.

-Бир умр оталик вазифасини ўтаб келяпсиз-у, нега улардан фарзандлик эмас, ҳеч бўлмаса инилик оқибатини талаб қилолмайсиз?

Собиржон аёлининг ёшли кўзларига боқди.

-Меҳр сўраб олинмайди, хотин.

Собиржон отасининг ёшига етганида икки ўғил асраб олди. Болаларнинг оёғи ярашиб, хонадонига файз кирди. Мустақиллик шарофати билан фермер хўжалиги тузди. Ишлар юришгандан юришиб кетди. Олтмиш ёшида данғиллама иморат солди, машина олди, қишлоғига тиббиёт маскани қуриб берди.

Ҳозир Собир фермернинг фарзандлари АҚШнинг Оксфорд университетида магистрлик дипломи олиш учун ўқишяпти. Оға-инилари яна унинг атрофида гирдикапалак.

-Етказганингга шукр, - деди Рисолат янга ўғилларининг Озодлик ҳайкали ёнида тушган суратларига боқиб. – Қаранг, қандай файзли йигитлар-а.

Собир ака суратни қўлига оларкан, одатий хотиржамлик билан сўз қотди:

-Етказганида ҳаммаям шукр қилаверади, хотин, бор ҳикмат етказмаган пайтида ҳам сабр этмоқликда...

**Абдумутал АБДУЛЛАЕВ**

# ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ ОПЕРАЦИЯ

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ

***Франция жарроҳлари яқинда телефон орқали операция қилишди.***

АҚШ дўхтирлари операция қиладиган роботни телефон орқали бошқариб, Франциянинг Страсбург шаҳридаги бемор аёлнинг ошқозонини операция қилдирган.

Бу ажойиб усулни америкалик олимлар ўйлаб топган. Улар италиялик касбдошлари билан ҳамкорликда, бу усулни дастлаб тажриба сифатида Балтимор шаҳрида амалиётда қўллашган. Шундай усулда 17 та операция қилинган. Бироқ, кўпинча техникавий носозликлар бўлса керак, уларнинг кўпчилигидан муваффақиятли чиққани кам. Бунга сабаб баъзан телефон тармоғининг узилиб кетишидир.

**Қидирбой ТЎЛАБОЕВ тайёрлади.**

Тошкент шаҳридаги "Джокорд" ёпиқ турдаги акционерлик жамияти тугатилади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади. Тел.: 162-70-55.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 133-09-93 (факс), 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42, реклама ва эълонлар – 133-44-43, 136-58-83.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Б.ЁҚУБОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-122, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00 Адади 18 236

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6